

УДК: 06.01.14

## ***CLASTEROSPORIUM CARPOPHILUM* - ТЕШИКЛИ ДОҒЛАНИШ КАСАЛЛИГИ**

Сиддикова Н.К.  
К.х.ф.ф.д. PhD  
Собиржонова Х.Х.  
талабаси

Андижон қишлоқ хўжалик ва  
агротехнологиялар институти

**Аннотация:** Данак мевали дарахтларнинг клястероспориоз ёки тешикли доғланиш касаллиги. Касаллик мевали дарахтларнинг баргини, новдасини, мевасини, куртагини, гулини зарарлайди. Касалликни *Clasterosporium carpophilum* (Lev) Adern. замбуруғи келтириб чиқаради. Бу касалликни кўзгатувчи замбуруғлар тупроқда конидия ва мицелий ҳолида қишлайди. Касалликнинг инфекция манбаи сифатида касалланган барг, новдалар ва улар ёриқларида сақланган споралар асосий аҳамиятга эга.

**Қалит сўзлари:** мевали дарахтлар, тешикчали доғланиш, қишлаш, инфекция манбаи, конидия, мицелий.

## **CLASTEROSPORIUM CARPOPHILUM – БОЛЕЗНЬ ДЫРОЧНЫХ ПЯТЕН.**

Сиддикова Н.К.  
К.х.ф.ф.д. доктор философии  
Собиржонова Х.Х.  
студент

Андижанский сельскохозяйственный и  
Институт сельскохозяйственных технологий

**Аннотация:** Клястероспориоз плодовых деревьев. Болезнь повреждает листья, ветки, плоды, почки и цветки плодовых деревьев. Заболевание вызывается *Clasterosporium carpophilum* (Lev) Adern. грибом. Грибы, вызывающие это заболевание, зимуют в почве в виде конидий и мицелия. В качестве источника заражения болезнью первостепенное значение имеют зараженные листья, ветки и споры, хранящиеся в их трещинах.

**Ключевые слова:** плодовые деревья, дырочная пятнистость, зимовка, источник заражения, конидии, мицелий.

## **CLASTEROSPORIUM CARPOPHILUM – PINHOLE SPOT DISEASE.**

Siddikova N.K.  
PhD  
Sobirzhonova H.Kh.

**Abstract:** Clasterosporium or holey disease of fruit trees. The disease damages leaves, branches, fruits, buds and flowers of fruit trees. The disease is caused by Clasterosporium carpophilum (Lev) Adern. caused by a fungus. Fungi that cause this disease overwinter in the soil in the form of conidia and mycelium. Infected leaves, branches and spores stored in their cracks are of primary importance as a source of infection.

**Keywords:** fruit trees, holey spot, overwintering, source of infection, conidia, mycelium.

**Кириш.** Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти даврида аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига, саноатни эса хом ашёга бўлган талабини қондириш ҳозирги кунда қишлоқ хўжалиги олдида турган энг муҳим долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда ва республикаимиз ҳукумати бу соҳага катта эътибор қаратмоқда.

Мева ва узумни етиштириш структураси ишлаб чиқилган бўлиб, уни жойларда амалга оширишга алоҳида аҳамият берилади. Чунки, бу тадбирларни амалга ошириш мева ва узум маҳсулотига бўлган халқ истеъмоли эҳтиёжи, қайта ишлаш корхоналари талаби ва экспортга маҳсулот чиқаришга бўлган талаблар билан маҳсулот ишлаб чиқарувчиларнинг таклифлари ўртасидаги мутоносибликни таъминлайди.

Мевачиликнинг халқ хўжалигидаги аҳамияти бениҳоя катта. Мева ва резавор-мевалар таркибида одам организми учун зарур бўлган шакар, органик кислоталар, оқсиллар, ёғлар, ошловчи, пектин, ароматик моддалар, коллоидлар, минерал тузлар, ферментлар, витаминлар манбаи.

Ўзбекистон шароитида мева дарахтлари жуда катта бўлиб ўсади. Ўрикнинг кучли ўсадиган навларининг баландлиги 10-15 м га, шох-шаббасининг кенглиги 11-13 м га, танасининг айланаси 150-180 см га етади. Новдалари баъзи йилларда 1 м дан ортиқ ўсиши мумкин. Илдизи бақувват бўлиб, айрим навлариники ерга 6,5 м гача чуқур кириб, ён томонга 12 м ва ундан ҳам кўпроққа тарқалади. Мева ва резавор-мева ўсимликлари поликарп

бўлиб, бутун ҳаёти давомида бир неча марта гуллайди ва ҳосил беради. Шу хусусияти билан фақат бир марта ҳосил берадиган монокарп ўсимликлардан фарқ қилади.

Касаллик мевали дарахтларнинг баргини, новдасини, мевасини, куртагини, гулини зарарлайди.

**Услублар ва материаллар.** Данак мевали дарахтларнинг клястероспориоз ёки тешикли доғланиш касаллиги. Касаллик мевали дарахтларнинг баргини, новдасини, мевасини, куртагини, гулини зарарлайди. Касаллик белгилари ёш баргларда доғлар тариқасида, кексайган баргларда эса, нобуд бўлган ҳужайраларнинг тушиб кетиши натижасида 2-5 мм диаметрда тешилиб қолиши билан характерланади. Дастлаб доғлар кўнғир рангда бўлиб, атрофи қизғиш-кўнғир халқа билан ўралган бўлади. Ёш баргнинг орқа томонидаги доғларда қора нуқта тарзида кўринади, кекса баргларда доирасимон ҳалкали тешикчалар ҳосил қилиб кўринади. Ёш новдаларда касаллик ёз ойларида нуқтасимон кўринишдаги 2-5 мм ҳажмдаги қизғиш-қизғиш бинафша рангдаги доғлар пайдо қилади. Доғларнинг маркази рангсиз бўлиб, чўзинчоқ шакли олгач ёрилиб кетади. Новдаларда касаллик белгилари чўзинчоқ кўнғир рангдаги қизғиш кўнғир халқа билан ўралган доғлар тарзида кўзга ташланади. Мевалар барглар билан бир вақтда касалланади. Лекин, касаллик меваларда қизғиш-кўнғир рангдаги чуқур яралар тарзида намоён бўлиб, атрофи йўғонлашади. Олхўри ва олча меваларининг доғ ҳосил қилиб зарарланган қисми қуриб қолиши натижасида данакгача бўлган ҳужайралар нобуд бўлади. Касаллик дастлаб куртак ва гулларда кузатилса, кейинчалик баргларлар ва меваларда бошланади. Касалликни *Deuteromycetes* синфининг *Hyphomycetales* тартибига мансуб, *Clasterosporium carpophilum* (Lev) Adern. замбуруғи келтириб чиқаради. Бу касалликни қўзғатувчи замбуруғлар тупроқда конидия ва мицелий ҳолида кишлайди. Касалликнинг инфекция манбаи сифатида касалланган барг, новдалар ва улар ёриқларида сақланган споралар асосий аҳамиятга эга.

**Тадқиқот натижалари.** Касалликка қарши курашиш учун инфекция манбаига қарши ўз вақтида тадбирлар ўтказилиши керак. Касалланган новдалар кузда қирқилиши, меваларни териб олиб ташлаш, дарахтлар қатор оралиғига тўғри ва ўз вақтида ишлов бериш, ўғитлаш, куртак очилгунга қадар, гуллагандан кейин ва учинчи марта икки ҳафтадан кейин 1 % ли бордо суюқлиги билан 1 га ерга 600 л миқдорда ишлов бериш керак.

Қўйилган тажрибамиз Андижон вилояти, Андижон тумани, “Насридин Алижон кўклам” фермер хўжалиги шароитида олиб борилди. Тажриба 4 қайтарик, 4 вариантдан ташкил топган бўлиб, барча вариантлар бир ярусда жойлаштирилган. Тажриба “Шредер” номидаги боғдорчилик ва узумчилик илмий тадқиқот институтти томонидан чоп эилган услубий асосида ўсиши ва ҳисоблар олиб борилди. Тажрибада айнан ўрикдаги клястероспориоз ёки тешикли доғланиш касаллиги қарши курашни 0.5 % ли бордо суюқлиги турли меъёрлар билан олиб борилди. Тажриба натижаларидан шуни кўриш мумкинки, бордо суюқлиги касалликни дастлабки фазаларида таъсир қила бошлади.

**Бордо суюқлигининг ўрик дарахтини кластоспориоз касаллигига таъсири. %**

т/р	Тажриба вариантлари	Ҳисобга олинди				
		1.III	15.III	1.IV	15.IV	1.V
1	Назорат	0.6	1.5	2.3	4.0	8.5
2	Бордо суюқлиги 0.5л/га	0.6	0.6	1.7	3.9	5.1
3	Бордо суюқлиги 1.0 л/га	0.2	0.4	1.0	2.1	2.8
4	Бордо суюқлиги 1.5 л/га	0.4	0.7	1.2	3.3	4.5

**Хулоса.** Бордо суюқлигини касалликка таъсири ҳисобларини таҳлил қилиб чиқамиз. Назоратда 1 мартда 0,8%ни, ташкил этса, 3-вариантда 0,1%, 1 март 3 вариантда назоратга нисбатан 5,3% кам зарарланган. Натижалардан хулоса қилсак, гектарига 1.0 л меъёр билан ишлов берилган вариантдаги ўрик дарахтларида касаллик ривожланиши кам ва ҳосилдорлиги ҳам бошқа вариантларга нисбатан юқори бўлди. Синалаётган Бордо суюқлиги кимёвий

моддасининг 1.0 л /га қўлланилганда касаллик кўзғатувчи учун кучли фунгицид вазифасини ўтай олди.

### ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Я. Ланак, К. Шимко, Г. Ванек, атлас болезней и вредителей плодовых, ягодных, овощных культур и винограда, Природа, Братислава, 1972
2. З. Кирай, З. Клемент, Ф. Шаймони, Й. Верен, Методы фитопатологии. Москва, Колос, 1974.
3. Ҳамроев А.Ш., Азимов Ж.А., Ниёзов Т.Б. ва б. Боғ, токзорларнинг зараркунандалари, касалликлари ва уларга қарши кураш тизими. Тошкент: «Фан», 1995, 160 б. (Вредители и болезни плодовых деревьев и виноградников и меры борьбы с ними).
4. Ҳасанов Б.А., Очилов Р.О., Холмуродов Э.А., Гулмуродов Р.А. Мевали ва ёнғоқ мевали дарахтлар, цитрус, резавор мевали буталар ҳамда ток касалликлари ва уларга қарши кураш. Тошкент: «OfficePrint», 2010, 310 б. + 62 б. рангли тасвир. (Болезни фруктовых, орехоплодных, цитрусовых, ягодных культур и винограда и меры борьбы с ними).
5. Мирзайтова, м. К., Сиддикова, н. К., & Абдуллаева, г. Д. К. (2019). Монилиоз на косточковых плодовых культурах. *Вестник науки и образования*, (24-3 (78)).
6. Мирзайтова, м. К., Каримов, о. К., & Давлатова, ф. А. (2020). Шафтолида кенг тарқаланган замбуруғли касалликлардан бири–клястероспориоз. *Life sciences and agriculture*, (2-2).
7. Сотволдиев, ш., & Мирзайтова, м. (2019). Фитопатогенные грибы. *In исследования в области естественных и технических наук: междисциплинарный диалог и интеграция* (pp. 40-42).
8. Хошимова, с., & Мирзайтова, м. (2019). *Venturia inaequalis*-болезнь яблони. *In исследования в области естественных и технических наук: междисциплинарный диалог и интеграция* (pp. 43-45).